2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 30-may, payshanba | № 22 (9290) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

## КОРРУПЦИЯ – МАМЛАКАТ РИВОЖИГА ҒОВ

*Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида тизимли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини ҳам кўрсатмоқда.*

Коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини бўйича вазирлик ва унинг тизим ташкилотларида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу бўйича ягона сиёсат ишлаб чиқилган бўлиб, вазирлик тизимидаги барча ҳудудий бўлинмалар ва ташкилотларга етказилган. Қолаверса, тизимнинг хаётга тадбиқ этилишини мониторинг қилиш йўлга қўйилган. Вазирликда “Коррупцияга қарши бошқарув тизими” ISO 37001:2016 халқаро стандарти талаблари асосида жами 10 та коррупцияга қарши ички-идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Бу борадаги ишларни тизимли давом эттирган ҳолда, “CERT International” МЧЖ томонидан халқаро стандарт талаблари асосида аудит ўтказилиб, ижобий хулоса берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги қарори билан вазирликка юклатилган 107 функциядан 85 таси бўйича коррупциявий хавф-хатарлар харитаси шакллантирилиб, “E-anticor.uz” платформаси орқали мавжуд хавф-хатарларни баҳолаш жараёнлари амалга оширилди.

“Қишлоқ хўжалиги вазирлигида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича” Низом талабларига мувофиқ вазирликнинг барча ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида манфаатлар тўқнашуви декларациялари расмийлаштирилиб, таҳлил қилиб келинмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## БАРЧА ТАЪМИРТАЛАБ ЙЎЛЛАР ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛИБ, ТАЪМИРЛАНМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги Бухоро вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси вилоят ҳудудидаги автомобиль йўллари соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга ошириш, бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишларининг назоратини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.*

Бугунги кунда Бухоро вилоятида жами 15 минг 500 км. узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 4 минг км.дан ортиқни, ички хўжалик йўллари, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари эса қарийб 11 ярим минг км.ни ташкил этади. Шундан 4715 км. узунликда таъмирталаб автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, 1200 км.га яқини умумфойдаланишдаги, салкам 2100 км. ички хўжалик йўлларидир.

Вилоятимизда кейинги йилларда аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, ҳайдовчиларнинг маданиятини ошириш, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларда кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш ҳамда унинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, вилоятимиздаги барча автомобиль йўллари аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиб, барча таъмирталаб йўллар хатловдан ўтказилди ва белгиланган режа асосида таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йили Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жами 1035,5 млрд. сўм маблағлар эвазига вилоят ҳудудидаги 1686,7 км. умумий фойдаланишдаги ва ички хўжалик автомобиль йўллари таъмирланди. Шунингдек 32 та кўприк ва 8 та пиёдалар ўтиш йўлаклари ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, вилоят ҳудудидаги 288 та МФЙларнинг 482,6 км. тупроқ йўллари ҳашар йўли билан шағаллаштирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: ҲУДУДЛАР ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Сўнгги йиллари мамлакатимизда халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестицион, гуманитар соҳалар ҳамда бошқа йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Бу борада яқин ҳамкорлардан саналган Россия Федерацияси билан Ўзбекистон ўртасида яқин шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида кўплаб битимлар имзоланган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Россия Федерациясининг саноат ва ишлаб чиқариш, замонавий технологияларни яратиш анча ривожланган Татаристон ва Бошқирдистон Республикалари билан яқин шериклик муносабатлари ўрнатилмоқда.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида Бошқирдистон Республикаси раҳбари Радий Хабиров билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Аманбай Оринбаев учрашиб, кўп томонлома шериклик юзасидан музокаралар олиб борди.

Мамлакатимизда турли миллат вакиллари, шу жумладан, бошқирдлар ҳам бир оила фарзандларидек тинч-тотувликда яшаб келмоқда. Уларнинг маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари ва она тилини янада ривожлантиришга алоҳида



эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Бошқирдистон Республикасида хизмат сафарида бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Ф.Эрманов бошчилигидаги делегация Сибай шаҳрида ташкил этилган VI “Зауралe – 2024” инвестицион форумида иштирок этди. Тадбир иштирокчиларига Қорақалпоғистон Республикасининг инвестицион имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгаши доирасида савдо-иқтисодий, илмий-техник ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳудудлараро ҳамкорлик ҳужжатлари ва битимлар тўплами имзоланди.

Россия Федерацияси ҳудудлари билан музокаралар доирасида саноат, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, туризм, сайёҳлик, логистика, ип-калава, тайёр трикотаж, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича умумий қиймати 328 миллион долларлик 64 та ҳужжат, шундан 131,2 миллион долларлик 22 та инвестицон лойиҳа, 184,7 миллион долларлик 32 та экспорт, 12,1 миллион долларлик 10 та импорт шартномаси бўйича келишувга эришилди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Аманбай Оринбаев ҳамда Татаристон раҳбари Рустам Минниханов ўртасида ана шундай кенг қамровли шериклик юзасидан битимлар имзоланиши турли соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Довуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## ЯХШИЛАРГА ЁНДАШИБ ЁХУД “ЎЗИМИЗНИНГ АБДУРАШИД АКА”

**Наманган шаҳрида Абдурашид Болтабоев ҳақида гап очилгудек бўлса, ўзимизнинг Абдурашид акамиз, дея фахр билан тилга олишади. Бу бежиз эмас, албатта.**

Ҳар банда ҳам бу ҳаётда рисоладагидек, ҳалол-пок, мазмунли умр кечириб, элнинг, олийзотнинг марҳаматига сазовор бўлавермайди. Қаҳрамонимиз кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилган падарибузруквори Абдуқаҳҳор акадан бу ҳақда деярли ҳар куни эшитиб, униб-ўсди. Кўпчилик ўрнак олса, хавас қилса арзигулик етмиш йиллик ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Наманган шаҳрининг Ирвадон маҳалласида ўн уч нафар фарзанднинг бешинчиси бўлиб кўз очган Абдурашид яшашни, ҳаёт ташвишларини мардонавор енгиб ўтишни илм-маърифат жонкуяри, узоқ йиллар мактабда ўқитувчи, директор бўлиб ишлаб, катта ҳурмат қозонган отаси ва бир уй фарзанддан ортиб, ҳар йили ўнлаб қути қурт уруғини парваришлаб, барокатли хирмон яратган онаси Раҳимахон опадан ўрганди.

(Давоми 2-саҳифада)



Лафз



## МАТБУОТГА СОВУҚҚОН “КАТТАКОН”

Касбимиз тақозоси билан ҳар хил вазиятларда турли-туман одамлар билан гаплашамиз. Мардикордан тортиб, мансабдорларгача суҳбатдошимиз бўлиши мумкин. Ана шундай жараёнларда кишиларнинг феъл-атвори, инсонийлиги, лафзи ҳалол ёки ёлғончи, сизга нисбатан ҳурмати ё беписанд муносабатларига гувоҳ бўламиз. Бирининг қатъиятидан, масъулиятлилигидан қувонсак, бирининг ваъдабозлиги, матбуотга, журналистга нисбатан эътиборсизлигидан, очиқроғи, менсимаслигидан, илми, билими етарли бўлса-да маънавияти, маърифий олами пастлигидан дилимиз оғрийди.

(Давоми 4-саҳифада)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

## ҲИМОЯГА МУҲТОЖ КИТОБХОНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАНИМИЗДАН МАМНУНМИЗ

*Китоб инсонларни камолот сари етокловчи муҳим маънавий хазина. Китоб ўқиш инсоннинг дунёқарашини юқори поғонага олиб чиқади, интеллектни ривожлантиради, хотира, диққат, мулоқот ва таҳлилий фикрлашга ёрдам беради. Жамиятда китобхонлик қай даражада кенг оммалашган бўлса, зиё аҳли шунчалик кўп бўлади.*

(Давоми 4-саҳифада)



## Агромаркетингда ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК?

Агромаркетинг тизимини бошқариш самарадорлиги ва агробизнес соҳасида қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг сифати кўп жиҳатдан маркетинг ахбороти тизимининг аниқ ишлашига боғлиқ. Бугунги бозорда муваффақиятли рақобат олиб бориш учун истеъмолчиларнинг бугунги эҳтиёжларини билишнинг ўзи етарли эмас. Улар эртага нимани маъқул кўришларини билиш, яъни амалда ахборотларни бошқариш ҳам зарурдир. Агромаркетинг ахборотлар ҳажми катталиги билан бирга мураккаблиги билан ҳам ажралиб туради.



Тўғри қарорлар қабул қилиш эса айнан зарур бўлган ёки фойдали ахборотни танлаш, уни сифатли таҳлил қилиш даражасига боғлиқ. Пировардида бунинг ҳаммаси маркетинг ахбороти алоҳида тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади. Қарорлар қабул қилиш мезони бўйича агромаркетинг ахборот тизими учта кичик тизимга бўлинади: бошқарув қарорларини қабул қилиш, режа қарорларини қабул қилиш, фундаментал тадқиқотлар бўйича қарорларни таъминлаш.

(Давоми 2-саҳифада)

*Агромаркетинг тизимини бошқариш самарадорлиги ва агробизнес соҳасида қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг сифати маркетинг ахбороти тизимининг аниқ ишлашига боғлиқ*

# Агромаркетингда

## ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК?

**(Боши 1-саҳифада)**

Функционал мезонлар бўйича эса қуйидаги кичик тизимлар ажратиб кўрсатилади: ички ҳиосботдорлик, ташқи жорий агромаркетинг ахборотини тўплаш, агромаркетинг тадқиқотлари, агромаркетинг ахборотни таҳлил қилиш.

Ички ҳисоботдорлик кичик тизими агромаркетингни бошқарувчиларни қишлоқ хўжалик корхонасининг фаолияти ҳақидаги, унинг бўлинмалари ва алоҳида ходимларининг фаолияти ҳақидаги маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилади. Ташқи жорий агромаркетинг ахборотларини тўплаш кикчик тизими ташқи маркетинг муҳити ҳақида жорий маълумот олиш манбалари, усуллари ва воситалари мажмуидан иборат. Агромаркетинг тадқиқотлари кичик тизими тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда қишлоқ хўжалиги корхонаси маркетингини бошқарувчиларга тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда зарур бўлган маълумотлар доирасини аниқлаш, уларни тўплаш, таҳлил қилиш ва натижалар ҳақида ҳисобот учун мўлжалланган. Ахборотлар тўплангандан



кейин улар таҳлил қилинади, ахборот жадваллаштирилади. Уларга ишлов бериш учун статистик (гуруҳлаштириш, индекслар ва шу кабилар) ёки иқтисодий-статистик усуллар қўлланилиши мумкин. Кўп ҳолларда тегишли дастурлар билан таъминланган ЭҲМдан фойдаланилади. Агромаркетинг тадқиқотларининг якунловчи босқичи олинган натижалар ҳақида ҳисобот тақдим этиш ва бошқарувчиларга тавсиялар бериш ҳисобланади, қоида тариқасида бу ёзма равишда амалга оширилади. Бунда тор касбий терминларни қўллашдан тийилиш ёки зарур бўлганда терминологияни белгилаб олиш зарур. Агромаркетинг таҳлили кичик тизими фаолияти агромаркетинг ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишга қаратилган элементлар йиғиндисидан иборат. Бу кичик тизим фаолиятидан мақсад тегишли қарорлар қабул қилиш учун агромаркетингни бошқарувчиларга ишлов берилган, тизимлаштирилган ахборотларни тақдим этиш ҳисобланади. Тизимнинг асосий элементлари маълумотлар банки, статистик процедуралар банки, моделлар банки ва агромаркетинг қарорлари қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизими ҳисобланади.

**Моҳигул ҚУТБИТДИНОВА,**
**Дилором МАТРИЗАЕВА,**
**ТДИУ доцентлари.**



# ЯХШИЛАРГА ЁНДАШИБ

## ЁХУД “ЎЗИМИЗНИНГ АБДУРАШИД АКА”

**(Боши 1-саҳифада)**

Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек, ҳалолик асосига қурилган оиладаги тўғри тарбия, илм олишга бўлган ундовлар вақти келиб ўз мевасини берди. Минг бир машаққат ва заҳматлар эвазига бўлсада, ҳеч кимдан кам қилмай тарбияланган оиланинг ўн фарзанди олийгоҳларда ўқиб, ота-она орзу қилган етук мутахассислар бўлиб етишди. Мактабни олтин медалга битирган Абдурашид Тошкент халқ хўжалиги институтини имтиёзли дипломга тамомлади. Ундаги иқтидорни, қобилятни билган олийгоҳ раҳбарияти Тошкентда қолиб, илмий иш билан шуғулланишни таклиф этди. Аммо пойтахтда яшаш учун рўйхатдан ўтишнинг мушкуллиги уни Наманганда фаолиятини давом эттиришга мажбур қилди. Наманган туманидаги “Ижодкор” колхозида ҳисобчиликдан иш бошлади. Тажрибали устозлардан ўрганди. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан хўжалик бош иқтисодчиси курсиси унга ишониб топширилди. Республикага ўз фаолияти билан яхши таниш бўлган Наманган тумани раҳбари Носиржон Отахонов унга район режалаштириш комиссияси раиси лавозимини ҳеч иккиланмасдан топширди. Ҳудуд тараққиётини олдиндан белгилашдек муҳим вазифани амалга оширувчи бу комиссияни у кутилганидан зиёда, моҳирона бошқара билди. Янги ташкил этилган "Шербулоқ" совхозининг оёққа туришида директор ўринбосари сифатида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бир неча йил фидойи инсон Бургутали Рапиқалиев раҳбарлик қилган вилоят мева-сабзавот саноат бирлашмасида масъул лавозимларда тобланди. Изланувчан, ташаббускор, салоҳиятли кадрнинг ҳамма вақт ҳам "харидори" кўп бўлган. Ана шунинг учун ҳам тез фурсатда Абдурашид ширкат хўжалиги ҳисобчисидан вилоят ижроқўмининг режалаштириш комиссияси раисининг ўринбосари даражасидаги мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Унга Исмоилжон Акбаралиев бор тажрибасини ўргатди, оталарча меҳр, талабчанлик билан устозлик қилди. Ўз устида ишлаши, истиқболли режаларни пухта белгилаши натижасида вилоятда алмашлаб экишга катта эътибор қаратилди. Республикага тақдим этилган таклифлар инобатга олиниб, Янгиқўрғон, Косонсой туманлари пахта, ғалла етиштиришдан озод этилиб, тўла боғдорчилик, сабзавотчилик йўналишига ўтказилди.

1997 йилда вилоят ҳокимлигида ташкил этилган ахборот таҳлил гуруҳи раҳбари этиб тайинланди. 2001 йил вилоят ҳокимининг умумиқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғи лавозимини моҳирона бошқарди. 2004 йилдан 2007 йилгача вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари каби масъулиятли вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилди. 2017 йилга қадар вилоят, Мингбулоқ тумани ҳокимликларида эл фаровонлиги, юрт равнақи йўлида фидокорона тер тўкди. Икромхон Нажмиддинов, Абдураҳим Ғаффоров, Исмоилжон Акбаралиев, Бургутали Рапиғалиев каби эл эътироф этган устозларга ёндашиб, ўгитини дастуриламал қилиб, асло кам бўлмади. Фарғона, Наманган вилояти ҳокими вазифасида самарали фаолият олиб бораётган Хайрулло Бозоров, Шавкатжон Абдураззоқов каби кўплаб шогирдларга елка тутиб, етук инсонлар бўлиб етишишига баҳоли қудрат кўмак берди. Абдурашид ака нафақа ёшига етгач ҳам ўз ўрнини эл хизматида деб билди. Ватан тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида хизмат қилишнинг шарафли эканлигини кўнглидан ўтказди. Мана, етти йилдирки, “Нуроний” жамғармаси Наманган вилояти бўлимида масъулиятли вазифада меҳнат фаолиятини давом эттириб келаётир.

Давлатобод туманининг Гулобод маҳалласида яшаб, ҳамон эл-юрт равнақи йўлида собитқадамлик билан фаолият олиб бораётган Абдурашид аканинг мўъжазгина ҳовлисида бўлиб, кўплаб ватандошларимизга ибрат бўлгудек ишларнинг гувоҳига айландик. Фарзандларни одобли, меҳнатсевар, билимли, ҳунарли қилиб тарбиялаш, китобхонликни тарғиб этиш, соғлом турмушни йўлга қўйиш, томорқадан унумли фойдаланиш, чорва, паррандачиликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракат ва унинг натижалари ҳақида ҳам мақола ёзишни дилимизга тугиб қўйдик. Умрини ҳалоллик, деган ҳузурбахш пойдевор устига қурган ва ўтган ҳаётидан рози бўлиб умргузаронлик қилаётган Абдурашид ака Болтабоев яқинда турмуш ўртоғи Дилбархон ая билан пойтахтда бўлиб қайтди. У ерда республика миқёсида ўтказилган “Намунали оила” кўрик танловида ғолиблар сафидан ўрин олди ва кўкрак нишони, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

– Яратганга шукр, узоқ йиллар қилган меҳнатимиз эътироф этилди. Турмуш ўртоғим икковимизга ҳаж зиёратига боришдек саодатли кунлар насиб этди. Айни кунларда Саудия Арабистонида бўлиб, муқаддас ҳаж амалларини бажармоқдамиз. Худо хоҳласа, юртимизга эсон-омон қайтгач, Президентимиз кўп бор таъкидлаганларидек, маҳалламизда ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, озодагарчиликни тарғиб қилиш, исрофгарчилик, оила бузилишига йўл қўймаслик борасида кенг қамровли тушунтириш ишларида бош-қош бўлмиз, алҳамдилуллоҳ, – дейди Абдурашид ота Болтабоев.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# КОРРУПЦИЯ – МАМЛАКАТ РИВОЖИГА ҒОВ



**Сафарали ХАЛИЛОВ,**
***Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи***

**(Боши 1-саҳифада)**

Бундан ташқари, харидларни амалга ошириш тартиб-таомиллари, шу жумладан, тўғридан-тўғри шартнома тузишда коррупциявий хатарларни камайтириш мақсадида ўтган йил давомида вазирлик томонидан амалга оширилган 33 та харид юзасидан харид жараёнлари ҳамда вазирликда ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш тизими жорий қилиниб, ижобий хулосалар қабул қилинди. Ишга янги қабул қилинган ходимларни коррупцияга қарши ички идоравий ҳужжатлар билан таништириш йўлга қўйилган. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ходимлар ўртасида давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, тизимда коррупцияга қарши курашиш мавзуида 66 та бевосита ва онлайн тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Вазирлик ва унинг тизим ташкилотларида кўплаб давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилди. Шунингдек, вазирлик тизимида фаолият юритаётган ходимларни коррупцияга қарши кураш бўйича умумий ўқитиш юзасидан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг new.proacademy.uz платформасида ўқув курслари ташкил этилиб, вазирлик тизимидаги жами 438 нафар ходимнинг ўқув курсларидаги иштироки таъминланди. Вазирлик тизимидаги ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва коррупцияга қарши курашишга оид тарқатма материаллари (флаер, буклет ва баннерлар) ва видеоролик ишлаб чиқилган, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий билим ва маданиятини оширишга оид махсус ўқув дастурлари, қўлланмалар мавжуд. Вазирликда коррупциявий хатти-ҳаракталар тўғрисида ҳабар беришга мўлжалланган 4 та алоқа каналлари йўлга қўйилган. Вазирликнинг расмий веб-сайтидаги “Ходимлар хатти-ҳаракатига оид коррупциянинг олдини олиш бўйича мурожаат” саҳифаси, **anticorruption@agro.uz** электрон почтаси, **@UzAgroAnticorruption** Bot Телеграм боти ҳамда +998712067060 рақамли ишонч телефони шулар жумласидан.

2023 йил давомида ва 2024 йилнинг биринчи чорагида қадар вазирликка 52 та мурожаат келиб тушган, шундан 1 тасида хизмат текшируви ўтказилди, 24 та ҳолатда мурожаатчиларга тушунтиришлар берилди, 22 та ҳолатда мурожаатлар қаноатлантирилди.

Вазирликнинг расмий веб-сайтида **“https://www.agro.uz/korrupsiyaga-qarshi-kurash-bo-yicha-so-rovnomalar/”** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида коррупция ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича 2 та аноним сўровнома ўтказилди. Корупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан шакллантирилган маълумотлар ва ҳисоботлар ҳар чорак якуни билан e-anticor.uz пластформасига ҳамда очиқлиқни таъминлаш юзасидан вазирликнинг **“agro.uz”** расмий веб-сайтига жойлаб борилмоқда.

Вазирлик раҳбарияти тизимдаги барча ходимларни коррупцияга қарши курашишга, коррупцияга муросасиз муносабатда бўлишга ва мамлакатимиз равнақини коррупциясиз ривожлантиришга чақиради ҳамда келгусида бу борадаги ишларни янада тизимлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш ва соҳани янада ривожлантириш асосий мақсадимиздир.

# БАРЧА ТАЪМИРТАЛАБ ЙЎЛЛАР ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛИБ, ТАЪМИРЛАНМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Тизим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида, 3 та автогрейдер, 1 дона бетон ётқизгич ва 13 дона автосамосвал келтирилди.

Жорий йилги инвестиция дастури асосида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жами 5 та объект бўйича 44,7 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, шунинг ҳисобига 7,8 км. узунликдаги 1 та йўл, 2 та кўприк ва 2 та ер ости ўтиш йўли бунёд этилади. М-37 “Самарқанд – Ашхабод – Туркманбоши” автомобил йўлининг 261 км. ва А-380 “Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнеу” автомобил йўлигача Бухоро шаҳрини айланиб ўтиш йўлини қуриш, “Зарафшон тракти” автомобиль йўлининг

237,5 км.даги кўприкни тўла таъмирлаш, 4К153 “Бухоро ш.-Новметан қ.-Юқори Чукат қ.-Коғон ш.” автомобиль йўлининг 15,4 ва 15,8 км. қисмидаги кўприкларни реконструкция қилиш ишлари жулар жумласидандир.

Бухоро шаҳри “Б.Нақшбанд” кўчасидан ўтувчи 4Р91 “д” Бухоро аэропорти автомобиль йўлининг 2,6 км. қисмида ер ости пиёдалар ўтиш йўлини қуриш бўйича ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари “Ўзйўллойиҳа” ЛҚТ томонидан ишлаб чиқилмоқда. Ушбу объектни ҳам жорий йилда фойдаланишга топшириш учун 7 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, пудратчи ташкилот танлов асосида аниқланади. Бундан ташқари, Ғиждувон тумани 4Р58 “к” “Ғиждувон шаҳрига кириш” автомобиль йўлининг 2,5 км. қисмида ер ости пиёдалар йўлини қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам “Фарғона йўллойиҳа” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилмоқда. Бунинг учун ҳам 7 млр. сўм маблағ ажратилган бўлиб, пудратчи ташкилот тендер асосида танланади.

Шунингдек, 2024-2026 йилларда “Цемент-бетон қопламали маҳаллий ва ички йўлларни қуриш” лойиҳаси асосида 61,5 км. йўлларни таъмирлаш белгиланган бўлиб, бугунги кунда “Йўл лойиҳа бюроси” МЧЖ томонидан лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Вилоятимиз ҳудудидаги 21 та кўприкни таъмирлаш учун ҳам 58,8 млрд. сўм маблағ ажратиш белгиланган. Умуман олганда, вилоятимиз ҳудудидаги 1315,5 км. автомобиль йўлларини таъмирлаш учун 493,4 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу борадаги ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда йўллар, мустаҳкам кўприклар қуриш, уларни ўз вақтида таъмирлаш учун миллиардлаб маблағ, минглаб ишчи кучи, замонавий техникалар жалб қилинмоқда. Йўлларнинг доимо соз ҳолатда бўлишини таъминлаш учун барча чоралар кўрилмоқда. Албатта, йўллар кенг ва равон бўлса, манзилларимиз ҳам яқин бўлади. Текис, замон талабларига жавоб берадиган йўлда юрган йўловчининг кайфияти ҳам чоғ бўлади. Ўйдим-чуқур, таъмирталаб йўллардан ёшу қари бирдек хуноб бўлиб ўтади. Буни биз, соҳа вакиллари, йўлсозлар дилдан ҳис қиламиз ва йўлларимизнинг равонлиги йўлида бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

**Муродулло БЕРДИЕВ,**
**Бухоро автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи.**

# МЕВА-САБЗАВОТЛАР ЭНГ КЎП ҚАЙСИ ДАВЛАТГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНГАН?

**Мева-сабзавот етиштириш мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Серқуёш юртимиз ўзининг хилма-хил, табиий, сархил мева-сабзавотлари билан машҳур.**

Сўнгги йилларда республикамизда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи сифатида мева-сабзавот етиштиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари жорий йил 12 февраль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида мева-сабзавот етиштириш ва экспортини ошириш мақсадида аҳолига яна 60 минг гектар ер тарқатилишини маълум қилганди. Бунинг натижасида 1,5 миллион тонна қўшимча маҳсулот олиб, экспортни 200 миллион долларга ошириш кўзда тутилган.

Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь-апрель ойларида Ўзбекистон хорижга қиймати 298,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 514 минг 800 тонна мева ва сабзавотлар экспорт қилган.

Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 43,3 фоизга ёки 155 минг 600 тоннага кўпайганини кўрсатади.




Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари Россия (26,3 фоиз), Покистон (24,2 фоиз), Қозоғистон (13 фоиз) ва Хитой (9,3 фоиз) давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

Маълумот учун, 80 та давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун 620 та фитосанитар рухсатлар олинган.

**Шаҳноза ТОШТЕМИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# MEBELSOZLAR BILAN MULOQOT QILINDI

**Sergeli tumani “Keng-makon” mahallasidagi Mebelchilik kichik sanoat zonasida FVB xodimlari tomonidan qurilish jarayonlari ko’zdan kechirilib, mebelsozlar bilan muloqot olib borildi.**

Suhbat davomida qurilish ishlarini boshlash hamda loyihalarni o’z vaqtida ishga tushirishini ta’minlash bo’yicha takliflar berildi. Shu bilan birga, qurilish davomida har qanday favqulodda vaziyatlarning oldini olish va yong’in xavsizligi qoidalariga qat’iyan rioya qilish bo’yicha tushuntirish ishlari olib borildi.

**I.UMAROV,**
**Sergeli tumani P va NB inspektori, katta leytenant.**

*Яроқлилик муддати ўтиб кетган полислар бўйича ҳеч қандай жавобгарлик олиб борилмайди*

*Эълон*

## "KAFOLAT sug`urta kompaniyasi" AJ қуйдагиларни маълум қилади: айрим шаклдага жами 12 007 суғурта полис бланкалари йўқотилгани, яроқлилик муддати ўтиб кетганлиги сабабли бекор қилинди. Ушбу полислар бўйича ҳеч қандай жавобгарлик олиб борилмайди.

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 7-Ш | 932944 | TH | 8853 | AA | 83265 | AA | 89961 | 13Ш | 635051 | AA | 22241 | TH | 7520 | AA | 86587 |
| 7-Ш | 1106002-11 | TH | 8856-60 | AA | 83267 | AA | 90202 | 13Ш | 635261-750 | AA | 83824 | TH | 7521 | AA | 86593 |
| 7-Ш | 1105325-26 | MM | 13127 | AA | 83331 | AA | 90436 | AA | 104241 | AA | 22254 | TH | 7523 | AA | 86871 |
| 7-Ш | 1106111 | KF-M | 5517 | AA | 84487 | AA | 90546-48 | 13Ш | 681071-1120 | 7-Ш | 1113372-75 | TH | 7524 | AA | 86953-54 |
| 5-Ш | 1092816 | AA | 84490-91 | AA | 84682 | AA | 90620 | 13Ш | 680044 | AA | 22309 | TH | 7773 | AA | 86969-74 |
| 7-Ш | 897221-24 | AA | 98405 | AA | 85180 | AA | 90645 | GB | 6503 | AA | 22346 | TH | 7899 | AA | 87002 |
| 5-Ш | 1088052-74 | TH | 52905 | AA | 85201 | AA | 90722 | CN-UZ | 76920 | AA | 22375 | TH | 8783 | AA | 87038 |
| 7-Ш | 897250 | AA | 98401 | AA | 85203-4 | AA | 90728 | AA | 104672 | AA | 86054-55 | TH | 8789 | AA | 87303 |
| 5-Ш | 1088401-21 | AA | 69449-50 | AA | 85210 | AA | 91342 | A-5 | 87901-88043 | TH | 6449-58 | TH | 8861-80 | AA | 87405 |
| 5-Ш | 1094231-36 | A-4 | 316876 | AA | 85221-4 | AA | 91350-51 | AA | 104987 | 13Ш | 680006-07 | БЮ | 2031 | AA | 87422 |
| 5-Ш | 1094269-79 | A-4 | 316976-80 | AA | 85309 | AA | 91395 | A-5 | 33401-451 | AA | 87415 | БЮ | 2048 | AA | 87424 |
| 5-Ш | 1094303-500 | A-4 | 336148-49 | AA | 85337 | AA | 91427 | A-4 | 395248-69 | AA | 88137 | БЮ | 2272 | AA | 87447 |
| 13Ш | 390909 | A-4 | 338311-16 | AA | 85340 | AA | 91791 | A-5 | 84801-900 | AA | 88139 | БЮ | 2301-02 | AA | 88186 |
| 13Ш | 404152-55 | AA | 12381 | AA | 85367 | AA | 91831-32 | A-5 | 85632-52 | TH | 7104 | БЮ | 2306-11 | AA | 88305 |
| 5-Ш | 1229331 | GB | 5101 | AA | 85373 | AA | 91841 | 7-Ш | 1323501 | AA | 89691 | БЮ | 2324-28 | AA | 88308 |
| 5-Ш | 1229336 | GB | 5184 | AA | 85461 | AA | 91855 | 7-Ш | 1323603 | KFT | 1655 | БЮ | 2472-75 | AA | 88312 |
| 5-Ш | 1229393 | GB | 5484-86 | AA | 85527 | AA | 91865 | 7-Ш | 1323609 | AA | 89302 | БЮ | 2611 | AA | 88317 |
| 5-Ш | 1229417 | GB | 5489 | AA | 85608-9 | AA | 91913-14 | 7-Ш | 1323675 | GB | 6501-05 | БЮ | 2801 | AA | 88322 |
| 5-Ш | 1229428 | GB | 5501 | AA | 85632 | AA | 91979 | KL | 418-589 | GB | 5916 | БЮ | 54617-20 | AA | 88394 |
| 7-Ш | 1105512-13 | GB | 5505 | AA | 85659 | AA | 94494 | KFT | 12388-89 | ЎТ | 12504 | БЮ | 54701-800 | AA | 88400 |
| 7-Ш | 1105524 | GB | 5508 | AA | 85670 | AA | 94496 | KFT | 12395 | 13Ш | 636977-78 | БЮ | 55102 | AA | 88412 |
| 13Ш | 404116 | GB | 5513 | AA | 85673 | AA | 94499-502 | 13Ш | 636308-09 | ЎТ | 12447-49 | БЮ | 56201-500 | AA | 88496 |
| 7-Ш | 335583-85 | GB | 5551 | AA | 85687 | AA | 94841 | 13Ш | 636364-80 | 13Ш | 635955 | AA | 12384 | AA | 88500-501 |
| 7-Ш | 335593 | GB | 5585 | AA | 85700 | AA | 94916 | A-5 | 33901-960 | AA | 89838 | ЎТ | 12024 | AA | 88856 |
| 5-Ш | 1227204 | GB | 5641 | AA | 85709 | AA | 94922 | 7-Ш | 1324223 | AA | 91553 | ЎТ | 12492-94 | AA | 88859 |
| 5-Ш | 1228355-450 | GB | 5673 | AA | 85717-18 | AA | 95037 | 7-Ш | 1324245 | KFT | 1699-700 | ЎТ | 15801 | AA | 88862 |
| 5-Ш | 1231151 | GB | 5847 | AA | 85729-31 | AA | 95038 | 7-Ш | 1324259 | KF-M | 2411-12 | ЎТ | 121309 | AA | 88885 |
| 7-Ш | 1105593-600 | GB | 5857-58 | AA | 85764-65 | AA | 95069 | 7-Ш | 1324266-67 | ЎТ | 122879 | ЎТ | 121313 | AA | 88890 |
| 7-Ш | 897515-25 | GB | 5860 | AA | 85772 | AA | 95074 | 7-Ш | 1324270 | ЎТ | 123893 | ЎТ | 123101-105 | AA | 88908 |
| 5-Ш | 1094946-51 | GB | 6167-69 | AA | 85791 | AA | 95077 | 7-Ш | 1113302-04 | AA | 94634 | ЎТ | 123108-300 | AA | 88938-39 |
| 5-Ш | 1095089 | GB | 6171 | AA | 85808 | AA | 95096 | 7-Ш | 1113366 | KF-M | 2413-14 | ЎТ | 123635 | AA | 89028 |
| 13Ш | 499325 | GB | 6316-17 | AA | 85816 | AA | 95136 | 7-Ш | 1113376-400 | AA | 5562 | ЎТ | 124251-300 | AA | 89065 |
| AA | 72876 | GB | 6318-19 | AA | 85828 | AA | 95191 | 7-Ш | 1324502 | AA | 96213 | ЎТ | 124401-5900 | AA | 89196 |
| 13Ш | 3919-20 | GB | 6319-65 | AA | 85840 | AA | 95193 | 7-Ш | 1324505 | KFT | 5563 | AA | 98982-83 | AA | 89398 |
| 5-Ш | 1095537 | GB | 6506-8100 | AA | 85890 | AA | 95226 | 7-Ш | 1324586-97 | МИ | 122596-600 | KFT | 12391-94 | AA | 89433 |
| AA | 72920-30 | МИ | 188471-500 | AA | 85895 | AA | 95227 | 7-Ш | 1324602-05 | AA | 9749-52 | KFT | 317797 | AA | 89482 |
| 13Ш | 502382-400 | A-4 | 263843-58 | AA | 86106 | AA | 95265 | 7-Ш | 1325377 | NF | 9749 | KFT | 317940-50 | AA | 89554 |
| 13Ш | 4066504 | A-4 | 263860-62 | AA | 86130 | AA | 95269 | 7-Ш | 1325416 | БЮ | 54833-34 | KFT | 12385 | AA | 89599 |
| KF-M | 1668301-10 | A-4 | 263864-67 | AA | 86133 | AA | 95271 | 7-Ш | 1325713 | 13Ш | 681177 | МИ | 6281-90 | AA | 89639 |
| AA | 22102 | MM | 13132 | AA | 86141 | AA | 95274-75 | 7-Ш | 1325676 | AA | 6901-02 | МИ | 6279 | AA | 89664 |
| AA | 82620 | TH | 5131-33 | AA | 86150 | AA | 95279 | 7-Ш | 1325682 | AA | 90601 | 7-Ш | 1522005 | AA | 89741 |
| AA | 82621 | TH | 5139-50 | AA | 86173 | AA | 95288 | 7-Ш | 1325689 | 7-Ш | 635959 | 7-Ш | 1522026 | AA | 89747 |
| NF | 12676 | TH | 5653 | AA | 86176 | AA | 95296 | 7-Ш | 1325780-82 | AA | 97175 | 7-Ш | 1522044 | AA | 89768 |
| 5-Ш | 1451502 | TH | 5687 | AA | 86330 | AA | 95298 | 7-Ш | 1325788 | AA | 97189 | AA | 72001- | AA | 89771 |
| 5-Ш | 1451513 | TH | 6034 | AA | 86381 | AA | 95307 | 7-Ш | 1325793 | KF-M | 266848 | AA | 72002-77000 | AA | 89790 |
| 5-Ш | 1451516-25 | TH | 6049 | AA | 86390-95 | AA | 95324 | 7-Ш | 1325798 | AA | 84457 | AA | 82001-82372 | AA | 89820-21 |
| 7-Ш | 1105574-75 | TH | 6145 | AA | 86404 | AA | 96146 | 7-Ш | 1325801-02 | AA | 84467 | AA | 83021-060 | AA | 89849 |
| AA | 22161 | TH | 6303 | AA | 86509 | AA | 96464 | 7-Ш | 1325809 | A-4 | 309332-36 | AA | 83101 | AA | 89854 |
| AA | 12729 | TH | 6329 | AA | 86525 | AA | 96549 | 7-Ш | 1325818 | МИ | 187936-45 | AA | 83104 | AA | 89862 |
| 7-Ш | 941067-75 | TH | 6330-45 | AA | 86548-49 | AA | 96836 | A-4 | 423880 | AA | 97709 | AA | 83122 | AA | 89864 |
| AA | 22191 | TH | 6350 | AA | 86552 | AA | 96837 | KFT | 51482-85 | TH | 8854 | AA | 83151 | AA | 89868 |
| 13Ш | 501102-125 | TH | 6439 | AA | 86570 | AA | 96854 | KFT | 51568-75 | 13Ш | 1326192-93 | AA | 83178 | AA | 89896 |
| 7-Ш | 1105614 | TH | 7392 | AA | 86578 | AA | 96886 | KFT | 52052-55 | 13Ш | 1326201-05 | AA | 83251 | AA | 89926 |
| CN-UZ | 52454 | CN-UZ | 63462 | A-4 | 449483 | A-4 | 194644-194660 | A-4 | 194772 | A-4 | 194902 | A-4 | 194983 | A-4 | 195194 |
| AA | 97196-97 | МИ | 6001 | A-4 | 194231 | KFT | 2228 | TH | 20525 | A-4 | 249821 | AA | 79620 | AA | 69791 |
| AA | 97222 | МИ | 6109 | A-4 | 176720 | A-5 | 93902-93905 | A-4 | 310066 | A-5 | 169068-169070 | AA | 79624 | AA | 69801 |
| AA | 97243 | МИ | 6134 | A-4 | 194244 | KFT | 1907 | KFT | 7140 | A-5 | 169075-169079 | AA | 79677 | KL | 348 |
| AA | 97264 | МИ | 6153-170 | A-4 | 194375 | KFT | 2238 | A-5 | 169598 | A-5 | 169111-169115 | AA | 79808 | KL | 372 |
| AA | 97571 | МИ | 6299-300 | A-4 | 194498 | AA | 78304 | AA | 67168 | A-5 | 169131-169140 | AA | 67233-67236 | KFT | 5521-28 |
| AA | 97666 | A-4 | 435701 | A-4 | 194756 | A-4 | 232374-232375 | A-5 | 16910 | A-5 | 169156-169160 | AA | 67249 | KFT | 5565 |
| AA | 97675 | A-4 | 435929 | A-4 | 194714 | A-4 | 232332 | A-5 | 169310 | A-5 | 169216 | AA | 67271 | KL | 662-63 |
| AA | 97706 | KFU | 143676 | A-4 | 194793 | A-4 | 232341 | A-5 | 169625-169627 | A-5 | 169217-169218 | AA | 67299 | 13Ш | 635001 |
| AA | 97724 | KFU | 143686-700 | A-4 | 194950 | KFT | 4155 | AA | 67187 | A-5 | 169242-169244 | CN-UZ | 73603-73606 | 13Ш | 635009 |
| AA | 98426 | KFU | 143723 | A-4 | 195034 | AA | 78760-78762 | CN-UZ | 71076-71085 | A-5 | 169247 | AA | 66850-66858 | KFT | 59670 |
| AA | 98427 | KFU | 143732 | A-4 | 195035 | A-4 | 249300 | CN-UZ | 71122 | A-5 | 169271-169280 | AA | 66907 | KFL | 942845-850 |
| AA | 98428 | KFU | 143827 | A-4 | 194971 | AA | 78826 | CN-UZ | 71135 | A-5 | 169288-169291 | AA | 66919-66920 | KFL | 942896 |
| AA | 98451 | KFU | 143021-25 | A-4 | 212250 | A-4 | 249128 | CN-UZ | 71191 | A-5 | 169308-169309 | AA | 67157-67165 | KFL | 942534 |
| AA | 98986 | KFU | 143056-57 | A-4 | 212290 | CN-UZ | 52484 | CN-UZ | 71200 | A-5 | 169342-169473 | AA | 67510 | KFL | 942541 |
| AA | 99116 | KFU | 135666-67 | A-4 | 195179 | CN-UZ | 52486-52491 | CN-UZ | 71251-71260 | A-5 | 169481-169483 | AA | 67528 | KFL | 870615 |
| AA | 99212-15 | KFU | 136406 | 7-Ш | 650494 | A-4 | 249423 | CN-UZ | 71267-71270 | A-5 | 169733 | AA | 67530 | KFL | 870811 |
| AA | 99968 | KFU | 136408-410 | A-4 | 212570 | A-4 | 249426 | GB | 18052-18061 | A-5 | 169735-169740 | AA | 67602 | KFL | 870842 |
| AA | 99980 | KFU | 122928 | AA | 34531 | AA | 79154 | A-4 | 270014 | A-5 | 169799 | AA | 67621 | KFU | 136407 |
| AA | 69852 | KFU | 122930 | AA | 34535 | A-4 | 249601 | A-4 | 270363 | A-5 | 169946 | AA | 67663 | KFL | 870996 |
| 13Ш | 680771 | KFU | 117248 | A-4 | 212612 | A-4 | 249661 | A-4 | 270366-270367 | A-5 | 169952 | AA | 67693 | KFT | 59738 |
| AA | 69029 | KFU | 117252-290 | KFT | 1774 | A-4 | 249664-249665 | A-4 | 309725 | TH | 20204-20205 | AA | 67694 | A-4 | 231949 |
| AA | 69031 | KFU | 117344-45 | KFT | 1796 | A-4 | 249671 | A-4 | 309727 | TH | 20211-20215 | CN-UZ | 77585 | A-4 | 231952 |
| AA | 69035 | KFU | 117351-390 | A-4 | 177048 | CN-UZ | 52525 | A-4 | 309741 | TH | 20224-20225 | CN-UZ | 77588-77590 | A-5 | 93861-93864 |
| AA | 69043 | KFU | 122929 | A-4 | 231556 | A-4 | 249590 | A-4 | 309866 | TH | 20256-20275 | KL | 3701 | A-5 | 93870 |
| AA | 69056 | KFL | 638901-903 | A-4 | 212657 | AA | 79204-79206 | A-4 | 309882-309890 | TH | 20309 | KL | 3704 | GB | 18181 |
| AA | 69058 | KFL | 638906-907 | A-4 | 231586-231587 | TH | 20304 | A-4 | 309938-309939 | TH | 20311-20312 | KL | 3303 | AA | 78040 |
| AA | 69071 | KFL | 638949-950 | A-4 | 231589 | AA | 79651 | A-4 | 309960 | TH | 20315-20368 | KL | 3321-3322 | AA | 7805 |
| AA | 69081-82 | KFL | 637857 | A-4 | 212679-212688 | A-4 | 249831 | A-4 | 309963 | TH | 20359-20368 | KL | 3332-3351 | AA | 78071 |
| AA | 69090 | KFL | 637875-876 | A-4 | 231552 | A-4 | 249948 | A-4 | 310106 | TH | 20501-20510 | KL | 3355 | KFT | 2221 |
| AA | 69092 | KFL | 637841-842 | A-4 | 231693 | CN-UZ | 58482 | A-4 | 330261-330270 | TH | 20516 | KL | 3386 | KFT | 59742 |
| AA | 69096 | KFL | 637844-50 | A-4 | 231611 | CN-UZ | 58487-58489 | A-4 | 330325 | TH | 20519-20520 | AA | 106033 | CN-UZ | 58594-58595 |
| AA | 69103 | KFL | 870345 | AA | 34683 | CN-UZ | 58525-58526 | A-4 | 330462 | TH | 20522 | AA | 106057-106059 | A-4 | 269947-269948 |
| AA | 69105 | KFL | 870197 | A-4 | 231720 | CN-UZ | 58583 | A-4 | 330466 | TH | 20529 | AA | 106196 | A-4 | 269951 |
| AA | 69108 | KFL | 870203-210 | AA | 34758 | A-5 | 169107 | A-4 | 330469 | TH | 20532 | AA | 106230 | KFT | 6047 |
| AA | 69115-17 | KFL | 1122124 | A-4 | 231773 | A-5 | 169108-169110 | A-4 | 330471 | TH | 20570 | AA | 106433 | TH | 20380-20382 |
| AA | 69121 | KFL | 902514-516 | A-4 | 231781 | CN-UZ | 58596 | A-4 | 231511 | TH | 20656 | A-4 | 381215 | A-4 | 309881 |
| AA | 69198 | KFL | 902518 | TH | 20009-20014 | CN-UZ | 58599-58603 | A-4 | 231525 | TH | 20668 | A-4 | 415739 | A-4 | 309868 |
| AA | 69373 | KFL | 902521-522 | AA | 34776 | TH | 20111-20112 | A-4 | 231536 | KFT | 7250-7255 | A-4 | 415740 | AA | 66945 |
| AA | 69703 | KFL | 902582-97 | A-4 | 231689 | TH | 20115 | A-4 | 231579-231580 | A-4 | 344821-344822 | A-4 | 415819 | TH | 20325 |
| AA | 69725 | KFL | 902628-630 | A-4 | 231676 | TH | 20121 | A-4 | 231684 | A-4 | 345015 | AA | 107799 | CN-UZ | 80516 |
| AA | 69759 | KFL | 869961 | A-4 | 231932-231933 | TH | 20146 | A-4 | 231993 | A-4 | 345251-345252 | AA | 107850 | A-4 | 232237 |
| AA | 69760 | KFL | 869970 | AA | 34907 | TH | 20160 | A-4 | 232038 | A-4 | 345254-345260 | KFU | 145517-145523 | A-4 | 232243 |
| AA | 69771 | KFL | 869662 | A-5 | 93858-93859 | TH | 20192-20195 | A-4 | 232118 | A-4 | 345468-345469 | KFU | 145554-145555 | A-4 | 232248 |
| AA | 69782 | KFL | 869670 | A-4 | 231912 | TH | 20197 | A-4 | 232135 | A-4 | 345487 | KFU | 141746 | A-4 | 232350 |
| CN-UZ | 67278-67286 | CN-UZ | 67321 | AA | 78953-78954 | A-5 | 230799 | KFU | 145525 | KFL | 979252 | CN-UZ | 31346-31347 | A-4 | 249363 |
| CN-UZ | 67314-67315 | CN-UZ | 67336 | AA | 79230 | KFU | 164466 | KFL | 1087486-1087499 | KFL | 898698 | A-5 | 230800-230801 | A-4 | 249368 |
| CN-UZ | 67318 | CN-UZ | 67438-67442 | AA | 79482-79483 | KFU | 161710 | KFU | 145524 | KFL | 1087500 | A-5 | 230933 | A-4 | 249452 |
| | | | | | | | | | | | | A-4 | 249622 |
| | | | | | | | | | | | | A-4 | 249679 |
| | | | | | | | | | | | | A-5 | 230415 |

# ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМ-ФАНИ ОҒИР ЖУДОЛИККА УЧРАДИ

**Жорий йилнинг 28 май куни ғўза селекцияси, уруғчилиги соҳаси ва илм-фанига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келган забардаст олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ибрагимов Паридун Шукурович узоқ муддатли бетобликдан сўнг вафот этди.**



Бутун ҳаётини илм-фанга бахшида этиб, илмий ва амалий тажрибасини халқ хизматига беминнат сарф этиб келган олимлардан бири Ибрагимов Паридун Шукурович 1959 йилнинг 16 июнида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги соҳасида 43 йилдан буён меҳнат қилиб келган забардаст олим G.barbadense L. ва G.hirsutum L. турига мансуб навлардаги асосий хўжалик белгиларининг ирсийланиши, улар орасидаги генетик боғланишлар, вилт касаллигининг ғўза  чигитларининг уруғлик сифатига таъсири, ғўзанинг янги дурагайларида хўжалик жиҳатдан қимматли ирсий хусусиятларини, ингичка ва ўрта толали саноатбоп ва истиқболли ғўза навлари генотипларини ўрганиш ва якка танловларни янги саралаш услубларини яратиш орқали ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга доир назарий ва амалий тадқиқотлари билан илмий жамоа ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари доирасида яхши таниш эди.

Паридун Шукурович Ибрагимов ўзининг иш фаолиятини Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим лавозимидан бошлаган бўлиб, 1981 йилдан ҳақиқий илм-фан соҳасига кириб келди. 1988-1989 йилларда Новосибирск Қишлоқ хўжалиги институтида илмий стажировкада бўлиб, чет тили (инглиз) ҳамда ўсимликлар селекциясининг генетик ва методик асослари курсларида илмини оширди. 1985-1995 йилларда Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида илмий ходим, 1995-1998 йилларда институтнинг "Ғўза иммунитети генетикаси" лабораториясининг мудири, 1998-2005 йилларда Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида бош директор вазифасида фаолият кўрсатди. Олим раҳбарлигида институтнинг илмий изланишларини мукаммаллаштириш мақсадида бир қатор чет давлатлар жумладан, АҚШ, Ҳиндистон, Миср, Исроил, Юнонистон, Россия, Хитой ва Сурия каби давлатларда хизмат сафарларида бўлиб қайтди. Профессор П.Ибрагимов 2005 йилдан 2022 йилгача Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида (2014 йилда ушбу институт Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтига айлантирилди) Иммунология ва сунъий иқлим лабораторияси мудири лавозимида самарали фаолият юритди. 2022 йилдан буён институтнинг етакчи илмий ходими лавозимида ишлаб келаётган эди.

Олим илмий фаолияти давомида йигирмадан ортиқ ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг яратилишида муаллиф ва ҳаммуаллиф сифатида қатнашди. Ушбу навлардан "Сурхон-9", "Наманган-34", "Султон",  С-6541, "Чимбой-5018", "Дўстлик-2", С-6775 ғўза навлари районлаштирилди ва С-8284, "Жарқўрғон", С-2612, С-2616 ғўза навлари истиқболли навлар қаторига киритилди ва катта майдонларга жорий қилинди.

Олимнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига малакали кадрларни тайёрлаш борасидаги хизматлари ҳам беқиёс бўлиб, у кишининг илмий маслаҳатчи ва илмий раҳбарлигида селекция ва уруғчилик соҳасида 2 нафар қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, 4 нафар фан номзоди, 8 нафар фалсафа докторлари тайёрланиб, улар қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида, илмий-тадқиқот институтларида фаолият олиб боришмоқда.

Олим П.Ибрагимов Фан ва технологияларни ривожлантириш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида  эксперт сифатида самарали фаолият олиб борган. Рус ва инглиз тилларини равон биладиган юқори малакали мутахассис сифатида ИКАРДА ва Жаҳон банкининг эксперти сифатида Сурия ва Хитой давлатларида фаолият кўрсатган.  Бундан ташқари, соҳа бўйича кўп марта Тошкент давлат аграр университети "Селекция ва уруғчилик" йўналишлари магистрлари ва бакалаврларининг битирув малакавий ишлари Давлат имтиҳони комиссияларининг раиси сифатида иштирок этган. Унинг илмий ҳамда амалий фаолияти даврида  ғўза генетикаси, иммунитети, селекцияси ва уруғчилиги муаммоларига бағишланган 300 га яқин илмий мақолалари республика ва чет эл илмий журналларида чоп этилган, монографиялари босмадан чиқарилган.

Олим ўз ишига маъсулият билан ёндашиши, ишчан ва талабчанлиги, қатъиятлиги, меҳнатсеварлиги ва  хушмуомалалиги билан институт ва институтнинг барча тажриба хўжаликлари жамоа аъзолари орасида катта ҳурмат қозонган эди. Паридун Шукурович яхши олим бўлиш билан бирга ибратли оила бошлиғи ҳам эди. Турмуш ўртоғи Заҳро ая билан тўрт қиз ва бир ўғилни тарбиялаб ўстирди, уларни эл корига ярайдиган етук инсонлар қилиб етиштирди.

Олим жамоа ҳаётида фаол иштирок этган, мустаҳкам фикрига эга, ватанига ва ўз ишига содиқ, одамохун инсон эди.

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти раҳбарияти ва жамоаси қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, атоқли олим**

**Паридун ИБРАГИМОВнинг**

**вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради. Марҳумнинг охиратлари обод бўлсин!**

*Бошқарма бошлиғига қўнғироқ қилиб, унинг масъулиятсизлигидан хафалигимизни айтувдик ҳамки... телефон жимиб қолди*



# МАТБУОТГА СОВУҚҚОН “КАТТАКОН”

(Боши 1-саҳифада)

Агар сиздан манфаат келса, эътиборлари юз чандон ошиб, ялтоқланишлари, фойда кўрмаётганларини билсалар учрашувни пайсалга солаётганларидан дилингиз хуфтон бўлади. Яқинда шундай воқеа бўлди. Мамлакатимизда биринчи рақамли масала бўлиб турган соҳанинг вилоят миқёсидаги раҳбари билан амалга оширилаётган ишлар, муаммолар ҳақида газетага олиб чиқиш ниятида интервью олишга келишдик. Хайриятки, у инсон ҳам бажонидил розилик билдирди. Бундан жуда хурсанд бўлдик.

Ҳозир журналистикада жуда кўп ишлар осонлашди. Раҳбарни кутиб, қабулхонасида соатлаб ўтирмайсиз. Телеграм орқали саволларни юборсангиз, имконига қараб, обдон фикр юритиб, мулоҳазасини айтаверади. Шунга асосан соҳага доир ўндан ортиқ саволни суҳбатдошимизга жўнатдик. Лозим бўлса юзма-юз учрашишимиз мумкинлигини ҳам эслатдик. Орадан ҳафта, ўн кунлар ўтиб, “каттаконга” қўнғироқ қилиб турдик. Ҳайтовур у телефонини оларди. Интервью саволларига жавобни сўрасак, “ана-мана, эрта-индин, меҳмон-измон”, деяверди. Ҳатто бир куни “Мана тайёр, ҳозироқ жўнатаман...”, дея чиройли муомала қилди. Мамнунликдан кайфиятимиз кўтарилиб кетди. Аммо орадан ўн кун ўтиб, “тарвузимиз қўлтиғимиздан тушди”. Бошқарма бошлиғига қўнғироқ қилиб, унинг масъулиятсизлигидан хафалигимизни айтувдик ҳамки... телефон жимиб қолди. Шундан сўнг бир соатлар ўтиб, бошқарманинг матбуот ходимасидан телеграмимизга ёзувлар келди: “...айрим саволларингизга жавоблар...” мазмунида. Камига вилоят ҳокимининг маърузасини қўшиб жўнатибди баракатопгур. “Керак бўлса ўзинг шундан ўқиб, топиб оласан...”, деган маънода бўлса керак-да?.. Ғуруримизга тегди. Яна ёздик: “Ушбу суҳбат катта бошқарма бошлиғи билан бўлаяпти. Шу мартабага яраша жавоблар ҳам залворли, мантиқли ва чиройли бўлиши керак. Уни ўқиган одамлар “Ҳа, бу одамни бежиз шу вазифага қўйишмабди...” дейишсин...”, деб ёздик. Бунга ходиманинг жавобини кўринг: “Шу салоҳият сизда мендан-да кучли, деб маълумотларни сизга юбордим. Бизда бунақа нарсалар берилмайди”. Товба, матбуот хизмати ходимининг гапини қаранг! У ҳатто интервьюда журналистнинг “салоҳияти” жавобларда эмас, саволлар тузишда эканлигини ҳам билмайди!

Инсонийликнинг бош қонуни исломда ҳам ваъда бериб, бажармаслик мунофиқлик, ҳар қандай лафз ҳалол бўлиши шартлиги уқтирилади. Бироқ ҳаётда кўп ҳолларда: жамиятда, одамлар орасида буларнинг тескарисини кўраяпмиз.

Хуллас, навбатдаги интервьюимиз дунёга келмай туриб... ўлди. Бунга зиёлилар қатламининг раҳбари йўл қўйди. Унинг баҳоналари, важ-карсонлари, матбуотга совуққонлиги сабаб бўлди. Қизиқ, саволларда нафақат факт ва рақамлар, таҳлил ва таққослашлар бор эди. Балки жиддий, тагдор, олимона бош билан жавоб берадиган жойлари ҳам етарлича эди. Эҳтимол, жаноби олийлари саволларни ўқимагандирлар ҳам. Ишончимиз комилки, ушбу мақолачани ҳам ўқишни лозим топмас. Ҳа, энди бу ёғи ўзларига ҳавола. Аммо менда болалигимдан миямга маҳкам ўрнашиб қолган “Ҳар томонлама мукаммал инсонларгина катта мансабларга ўтирадилар...” деган ақидага навбатдаги зарба тушгани рост.

**Рислиқхон МАЖНУНОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

# ҲИМОЯГА МУҲТОЖ КИТОБХОНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАНИМИЗДАН МАМНУНМИЗ

(Боши 1-саҳифада)

Каттақўрғон тумани Ахборот- кутубхона марказининг абонементлар ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш хизмати ходимлари томонидан 358 нафар ногиронларнинг уйларига бориб, хизмат кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, сўралган адабиётлар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Ҳар ойда икки маротаба адабиётлар алмаштирилаяпти, бизнинг бу хизматимиздан ҳимояга муҳтож китобхонларимиз жуда ҳам хурсанд. Улар китоблар, босма кўринишдаги, аудиовизуал ва электрон шаклдаги ресурслар ҳамда керакли ахборот билан таъминланмоқда. Ҳимояга муҳтож китобхонларимизнинг соғлигига, ақлий салоҳиятига қараб китоблар тавсия этамиз, қизиққан китоблардан мутолаа қилиб берамиз.



Кутубхонанинг энг асосий ва доимий хизмат турлари қуйидагилар: китоб тўғрисида қисқа суҳбат ёки ҳикоя қилиб бериш. Бу аҳолининг талаби ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Кутубхонага келган янги адабиётни бевосита кўрсатиш ҳар қандай китобхон диққатини ўзига тортади. Адабиётлар аввало ғоявий, бадиий жиҳатдан пухта, янги, ҳимояга муҳтож китобхонларнинг талабига мос бўлиши керак. Танланган адабиётлар чуқур ўрганилиб, тизимлаштирилади. Шундан ҳимояга муҳтож китобхонларимизга ёқадиган тарзда, эстетик таъсир этадиган, унинг диққатини китобга қаратадиган, керакли йўналишга сола оладиган даражада шакллантирилиши зарур. Китобхонликни ривожлантириш ва китобхонлар сафини кенгайтиришда бир неча жиҳатларни ҳисобга олиш керак. Адабиётларни ҳимояга муҳтож китобхонларнинг хонадонларига олиб борганимизда, китоб муқовасининг рангига ҳам эътибор бериш керак. Ҳар битта китобхонни ўзига жалб қиладиган, унинг кайфиятини кўтарадиган ва яна боришимизни хоҳлайдиган бўлиши шарт. Айрим саҳифалардаги расмлар, рангли тасвирларни очиб қўйиш, кўрсатиб бериш керак. Бунда сарлавҳанинг ҳам аҳамияти катта. Китобхон диққатини тезда жалб этадиган жиҳатлардан бири китобнинг сарлавҳасидир. Сарлавҳа содда, қисқа, китобхон қабул қилиши учун осон бўлиши керак. Китобнинг ранги мазмунига мос бўлиши лозим. Ҳимояга муҳтож китобхонлар учун фақат икки-уч рангли китоб танланади, ундан ортиғи китобхонни чарчатади.

Фойдаланувчилар учун долзарб ва қизиқарли мавзуларни танлаш кутубхоначининг вазифасидир. Бунда кутубхоначи ўз билими, салоҳиятини ишга солган ҳолда қизиқарли китоблар топиши керак. Кутубхоначининг китобхонни бирор бир китобга қизиқтириши ва айнан шу китоб билан боғлиқ маълумотларни кўргазма сифатида тақдим этиши мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳимояга муҳтож китобхонлар қўлига етказиб берилган китобнинг муаллифи, унинг ҳаёти ва ижоди, китобнинг яратилиш тарихи, асар қаҳрамонлари, уларнинг тақдири, асарга бағишлаб чизилган расмлар ва асардаги лавҳалар акс эттирилади. Танланган китоб ёрқин, мазмунли, қизиқарли бўлиши зарур. Масалан, ўтган асрларда чоп этилган ёки замонавий классик асарлари, ўлкашуносликка доир адабиётлар бўлиши мумкин. “Ота-оналаримизнинг севимли китоблари” ёки “Биз ўқиган китоб ва сен ҳам ўқи”. Бундай китоблар икки авлод ўртасидаги ўзаро тушуниш, бир-бирини англаш мутаносиблигини мўътадиллаштиришга туртки бўлади ҳамда бугунги ёшларнинг ривожланиши учун замин яратувчи маънавий ва ахлоқий йўналишдаги китобларни қайтаришга ёрдам беради. Ушбу услуб китобхонлик маданиятини ошириш билан бир қаторда унутилиб кетаётган машҳур асарларнинг қайта жонланишига олиб келади. Бу саъй-ҳаракатларимиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ногиронлиги бўлган шахслар, оғир беморлар, кексалар ва бошқалар) ўртасида китобхонлар сафини кенгайтириш имконини бермоқда. Биз, кутубхоначилар бундан фахрланамиз, ўз касбимизни севган ҳолда ҳимояга муҳтож китобхонларимиз хонадонларига бориб хизмат қилишдан мамнунмиз.

**Умида ҲАМРАЕВА,**
*Каттақўрғон тумани ахборот-кутубхона маркази абонементлар ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш хизмати мутахассиси.*

*Реклама*






JIZZAX VILOYATI

# BOLALIK – BEG’UBORLIK DAVRI

*Maxsus jihozlangan maydonchada miriqib o‘ynayotgan, qo‘shiq kuylayotgan, she’r aytayotgan kichkintoylarni ko‘rib kimning ham zavqi kelmaydi, deysiz. Bolajonlarning dam olishlari, ovqatlanishlari, turli rivojlantiruvchi mashqlar bilan shug‘ullanishga qulay bo‘lgan keng, yorug‘, ozoda xonalarni aytmaysizmi?*

O’z kasbining mohir ustasi Munisa Xolmatova rahbarlik qilayotgan katta guruhda rassomchilik to’garagi faoliyat yuritib kelmoqda, ularga yigirma ikki nafar tarbiyalanuvchi a’zo bo’lishgan. Ularning tasviriy san’atga bo’lgan qiziqishi, kasb-hunarga muhabbati hamda fidoyiligi ortib, sekin-asta o’z mevasini bera boshladi. Bu yerda predmetga qarab chizish, ranglarni aralashtirib, yangicha rang hosil qilish, undan foydalanish, ochiq havoda (planer)rasm ishlash, respublikamizdagi taniqli rassomlar ijodini o’rganish hamda tahlil qilishga alohida ahamiyat qaratilmoqda. Bolajonlar Sangzor daryosi bo’ylarida bir necha bor bo’lib, rasmlar chizdilar, Jizzax shahriga sayohatlar uyushtirdilar. Shuningdek, bolalarning tomoshaqovoqqa bezak berishga qiziqishlari ortib, ertak qahramonlari miniatyura va manzara janriga e’tibor qaratilmoqda.

Tarbiyachi kelajak avlod ma’naviyati va uning ruhiy go’zalligini shakllantirishga o’zini baxshida etmog’i lozim. Faqat saxovatli insonlargina o’zida borini bolalarga ulashib, bundan zavq oladilar. Birgina joriy o’quv yilida guruhdagi tarbiyalanuvchilardan Imronjon Ibragimov va Zarina Anvarbekovalar viloyatda o’tkazilgan rasmlar ko’rik tanlovida ishtirok etib, quvonchli natijalarni qo’lga kiritishdi. Nozima Alisherova ham viloyat bo’yicha o’tkazilgan rasmlar ko’rik tanlovida yuqori natijalarga erishishga muaffaq bo’ldi.

Baxtli bolalik maskanida 335 nafar kichkintoylarning jismoniy va ma ’naviy jihatdan sog‘lom, barkamol bo‘lib voyaga yetishida 11 nafar malakali pedagog va tarbiyachilarning hissasi katta. Tarbiyachilardan Munisa Xolmatova, Shoira Iskanova, Muhtaram Toshpo’latova kabi jonkuyar tarbiyachilar turli tanlovlarda faxrli o‘rinlarni egallab, jamoa o‘rtasida hurmat-e‘tibor qozonmoqdalar. Shuningdek, muassasadagi “Kamalak”, “Quyoshcha”, “Quyoncha” kabi guruhlarda ham maqtashga arzigulik ishlar qilinmoqda. Biz bolajonlarni mustaqil fikrlashga o‘rgatish hamda maktab ta ’limiga tayyorlash yo‘lda ishlayapmiz. Mehnatimiz samarasini tarbiyalanuvchilar kelajagida ko‘rsak, o‘zimizni baxtiyor his etgan bo‘lamiz.

**Shaxnoza USMONOVA,**
*G’allaorol tumanidagi “Boychechak” nomli 1-MTM mudirasi.*

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.**

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**
**Таҳрир ҳайъати:**
Ироҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*,
Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-517. 1410 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
**Таҳририят манзили:** Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
**Реклама ва эълонлар –** (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.00